

"Алла" фестивали бўлиб ўтди



Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалида июнь ойи ёшлар ойлиги муносабати билан талаба-қизлар ва Термиз туманидаги “Янгиобод”, “Орол”, “М.Эштемиров”, “Қўнғирот”, “Ат-Термизий”, “Қахрамон”, “Намуна” маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи уюшмаган аёллар (уй бекалари) иштирокида “Алла меҳр қўшиғи” мавзусида “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” шиори остида директор кубоги учун “АЛЛА ФЕСТИВАЛ”и бўлиб ўтди.

Фестивалда фаол иштирок этган маҳалла хотин-қизлари таълим муассасаси раҳбарияти томонидан фахрий ёрлик, диплом ва эсталик совғалари билан тақдирланишди.
















Термиз туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати